

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**МИРТАЛИПОВА ИРОДА МИРТАХИРОВНА**

**МИКРОХРОМАТИКА. НАЗАРИЯ, ТАРИХ ВА АМАЛИЁТ**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**Санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по искусствоведению  
content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)  
on art history**

|  |    |
|--|----|
| <b>Мирталипова Ирода Миртахировна</b><br>Микрохроматика. Назария, тарих ва амалиёт.....            | 3  |
| <b>Мирталипова Ирода Миртахировна</b><br>Микрохроматика. Теория, история и практика.....           | 23 |
| <b>Mirtalipova Iroda Mirtakhirovna</b><br>Microchromatics. Theory, history and practice.....       | 45 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works..... | 49 |

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**МИРТАЛИПОВА ИРОДА МИРТАХИРОВНА**

**МИКРОХРОМАТИКА. НАЗАРИЯ, ТАРИХ ВА АМАЛИЁТ**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San37 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.konservatoriya.uz](http://www.konservatoriya.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азимова Арзу Нишановна**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Рустамбек Самигович**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Муллажонов Давлат Мавлонович**  
санъатшунослик фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Санъатшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 244-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: [info@konservatoriya.uz](mailto:info@konservatoriya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 244-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: [info@konservatoriya.uz](mailto:info@konservatoriya.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т. Б. Ғофурбеков**

Илмий даража берувчи кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Б. Ш. Ашуров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,  
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Р. Ю. Юнусов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

## Кириш (фалсафа доктори(PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида мусиқа соҳаси ўзининг янгича миллий ва дунёвий ғоялари билан замонавий мусикашуносликда жадал тараққий топиб келмоқда. Замонавий композиторлик услубининг миллий, ўзига хос индивидуаллашган кўринишини талқин этиш йўлида безаклар мажмуи, товушқаторларига, хусусан “янги ифодавийлик”ни излаш мақсадида Европага тааллуқли бўлмаган мусиқа маданиятига эътибор қаратилган. Бунинг заминида турли назарий ва амалий тажрибалар ўтказилиши ҳамда халқаро миқёсдаги мусиқий илмий фаразлар оммалашшига асос бўлмоқда.

Дунё мусикашунослигининг бугунги долзарб масалаларидан бири халқ лад товушқаторлари ҳамда композиторлик ижодиётида пайдо бўлган лад товушқаторларининг ўзаро таъсири масалалари бўлиб, бу поғонали ва безакнамо каби микрохроматика турларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Мусиқий амалиёт ижодкорнинг руҳий, ақлий, ҳиссий инъикоси бўлгани туфайли Антик давр, Ўрта аср, Уйғониш давридан то ҳозиргача микрохроматика турфа хил номлар ҳамда кўринишларда ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, Антик даврда мавжуд бўлган тетрахорд турлари ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мусиқа назариясига ўз таъсирини кўрсатган, аммо микрохроматиканинг муайян, ягона модели на халқ, на композиторлик ижодиётида шаклланмаганлиги сабабли назарий мусикашуносликнинг ушбу соҳасини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон композиторлари аввалги авлод композиторлари ижодида талаб этилмаган миллий мусиқий тилнинг таркибий қисмларига мурожаат қилганлар, аниқроғи қадимий анъанавий товушқатор ва ладларда, ижрочилик усулларида микрохроматика таянч аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, температураланган ҳамда нотемператураланган тизимларнинг кристаллашуви асосида янги муаллифлик товушқаторларнинг ҳосиласи сингари жараёнлар оммалашмоқда. “Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маданий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш”,<sup>1</sup> Ўзбекистон композиторлик ижодиётида миллий оҳанглар ҳамда чолғу пардаларини тиклаш, қадимги юнон ва Шарқ қомусий олимларининг рисоаларини англаш, асрнинг бошида композиторлик ижодиётида ўзига хос товушқатор ва ладларга мурожаат этиш, Шарқ ва Ғарб услубларининг ўзаро уйғунлашувига асосланган асарларнинг яратилиши каби салмоқли ютуқларни ўрганиш заруриятини изохлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 28.11.2018 й. ПҚ-4038-сон Қарори. //http://www.lex.uz/docs/4084926.

ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 31 майдаги ПҚ 3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрда ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот ҳам муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Микрохроматика илк бор қадимги юнон назариясининг энармон тетра хорди структураси доирасида тавсифланган, таснифланган. Айнан ушбу назария Шарқ ва Ғарб мусиқасида, микрохроматикани мужассам этиб, лад тизимлари назариясининг шаклланиши учун асос бўлган. Ғарб мусиқасида мазкур муаммо антик давр, Қайта Уйғониш даври ҳамда XX-XXI асрлар мусиқа назарияси ва амалиётида ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, Шарқ мусиқа табиатига хос микрохроматика қомусий олимлар томонидан ишлаб чиқилган -17, -22, -24 ва ҳ.к. поғонали товушқаторларда намоён бўлиб, унинг мукамал намунаси 17 поғонали товушқатор ҳисобланган.

Е. Полунина, И. Никольцев, Л. Адэр, Н. Хруст сингари рус мусиқашунослари фақат Ғарб мусиқасининг алоҳида даврлари ёритилган микрохроматика масаласи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>2</sup>.

Мазкур йўналишда Ғарб услубида ижод қилган А. Хаба, А. Силбигер, Л. Хансон, У. Барт, В. Гиселер, К. Агер, П. Эрлич, Ж. Гарсиа, Д. Доти сингари чет эл тадқиқотчилари илмий изланишлар олиб борганлар<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Полунина Е. Микрохроматика в музыкальном искусстве позднего Возрождения: вопросы истории, эстетики, теории. Диссертация. Владивосток, 2010. –С. 218. Никольцев И. Микрохроматика в системе современного музыкального мышления. Диссертация. М., 2010. –С. 198. Адэр Л. Микротоновая музыка в Европе и России в 1900-1920-е годы: Дисс. ...канд. Искусствоведения. СПб., 2013. –С. 231. Хруст Н. Новые инструментальные техники: опыт классификации: Дисс. ...канд.искусствоведения. –М., 2018. – С. 480.

<sup>3</sup> Haba A. Mein Weg zur Viertel- und Sechsteltonmusik. – Innsbruck, Nymphenburg, 2001.

Hanson L. Development of a 53-tone keyboard layout // Xenharmonikon. Vol. 12, 1989. – P. 69 – 87.

Burt W. Microtonal pitch systems in some recent music // Proceedings of the 1996 Australian Computer Music Association conference. –Brisbane: QUT Academy, 1996. –P. 13-21.

Gieseler Walter. Harmonik in der Musik des 20 Jahrhunderts. Tendenzen - Modelle. Mikrintervalle als Farbelement.4061a, 4061b. –G., 1996.

Ager K. Der Ultrachromatismus Ivan Wyschnegradskys in melodischer und harmonischer Hinsicht // Mikrotöne. B. 1. – Innsbruck: Edition Helbling, 1986. – P. 123–126.

Erlich P. Tuning, tonality and Twenty-two-tone temperament // Xenharmonikon. Vol. 17, 1998. – P. 12–40.

Garsia J. A linear Twenty-nine tone scale // Xenharmonikon. Vol. 11, 1989. – P. 43–45.

Шарқ мусиқасида микрохроматика масаласига оид монографиялар ҳозирги кунда мавжуд эмас. Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Маҳмуд Шерозий, Абдурахмон Жомий каби Шарқ қомусий олимлари рисолаларидаги ғоялар XX-XXI асрларда изланишлар олиб борган замонавий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва изоҳларида ёритилган.

Шу кунга қадар мусиқа соҳасининг бошқа йўналишларида салмоқли фаолият олиб борган замонавий олимлар томонидан микрохроматика назарияси ва тарихига оид қисқача маълумотлар келтирилган. Жумладан: Ю. Холопов, В. Холопова, Е. Герцман, Е. Назайкинский, Г. Штайн, Е. Дубинец, Л. Дьячкова, В. Цыпин, А. Волконский, Р. Исхакова – Вамба, К. Квашнин, М. Матюшин, Т. Баранова, С. Лебедев, У. Ген-Ир, Г. Супонева, К. Кузнецов, В. Туков, С. Алимова, В. Беляев, В. Виноградов, Т. Вызго, И. Ражабов, Ф. Аммар, Л. Коваль, С. Тахалов, Б. Чайтанья Дева, О. Матёкубов, Т. Алибакиева, С. Даукеева, Г. Шамилли, С. Эль-Холи, М. Гетта, М. Тошмухаммедов, Р. Қосимов, Қ. Назиров сингари мусиқашунос олимлар ҳамда ижрочиларнинг ғоялари ва услубий тамойилларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунга қадар эълон қилинган тадқиқотларда микрохроматиканинг назарий ва тарихий томонлари, айрим хусусиятлари тадқиқ этилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ғарб мусиқа эстетикасидаги микрохроматика ҳамда Шарқ мусиқаси табиатининг асосини ташкил этувчи мазкур ҳодисанинг тарихий шаклланиш жараёни, турли даврлардаги ўзига хос хусусияти, шунингдек, унинг мустақиллик даври Ўзбекистон

---

Doty D. What is just intonation? // *Electronic Musician*. – 1986. – № 11. – P. 38–41.

<sup>4</sup> Ражабов И. Мақомлар. –Т., 2006. –Б. 403.

Холопов Ю. Гармония. Теоретический курс: учебник. – СПб.: Лань, 2003. –С. 541; Гармония. Практический курс, ч. II, гармония XX века. –М., 2005. –С. 624.

Холопова В. София Губайдулина. Путеводитель по произведениям. – М.: Композитор, 2001. –С. 56; Формы музыкальных произведений. – Санкт-Петербург, 2001. –С. 496.

Аммар Ф. Ладовые принципы арабской народной музыки. –М., 1984. –С. 184.

Коваль Л. Интонирование узбекской традиционной музыки. –Т., 1990. –С. 97.

Тахалов С.М. Проблема исполнения и нотной записи узбекской и таджикской традиционной инструментальной музыки. Автореферат. –Т., 1987.

Герцман Е. Античное музыкальное мышление. –Л.: Музыка, 1986. –С. 224; Синописис музыки. –М.: Композитор, 2000. –С. 221; Тайны истории древней музыки. –СПб.: Нота МИ, 2004. –С. 576.

Назайкинский Е. Звуковой мир музыки. –М., 1988. –С. 254.

Даукеева С. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. –Алматы, 2002. –С. 350.

Шамилли Г. Архитектоника иранской музыки: смысл в аспекте звуковысотной грамматики музыкального языка // *Ишрак*. 2010, №1. –С. 486-508.

Исхакова-Вамба Р. О семнадцатиступенной системе восточной музыки. Казань: Новое знание, 1998. –С. 31.

Квашнин К. Музыкальное интонирование на духовых инструментах в эпоху Античности. «Обсерватория Культуры». 2017. Т.14 № 2, –С. 184–191.

Матюшин М. Футуризм в Петербурге // *Первый журнал русских футуристов*. –М.,1914, №1-2, –С. 157.

Ген-Ир У. К проблеме изучения традиционной музыки стран Дальнего Востока (Китай, Корея, Япония) // *Научно-теоретический журнал*. СПб.: Астерион, 2008. №4. –С.122–132.

Махмуд Гетта. Некоторые отличительные аспекты модальной системы магриба. // *Материалы международного научного симпозиума «Мир мугама»*. –Баку, 2009. –С. 148-153.

Супонева Г.И. Проблемы нотации в музыке XX века. –М., 1993. –С. 112.

Кузнецов К. Арабская музыка // *Очерки по истории и теории музыки*. Сб. 2. –Л., 1940. –С. 265-280.

Туков В.А., Алимова С.В. О способах графической записи микрохроматики тона // *Материали II Міжнародної науково-практичної конференції "Динаміка наукових досліджень 2003"*. Том 6. Музыка в житті людини . –Дніпропетровськ, 2003.

композиторлик ижодиётидаги яхлит бир бадиий-ижодий жараён сифатида ўрганилмаган. Шундай экан, унинг тарихий, назарий, умумий эстетик жиҳатларини ягона, ажралмас ҳодисанинг турли томонлари сифатида қамраб олишни назарда тутадиган микрохроматика муаммосини ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий ўзбек мусиқашунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Шарқ ва Ғарб мусиқаси лад товушқаторлари тизимининг турли тарихий босқичларидаги назариясини яхлит ҳолда англаш ҳамда Ўзбекистон композиторлари ижодида микрохроматиканинг тарғиботини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

микрохроматиканинг мусиқий тафаккурдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

микрохроматика фаолиятининг акустик асосини очиб бериш;

микрохроматика нуқтаи назаридан Шарқ ва Ғарб мусиқаси лад тизимларини диахрон (қадимги даврлардан XXI асгача) ва синхрон параметрларда тизимлаштириш, таснифлаш, ўзига хос кўринишини белгилаш;

замонавий мусиқий тафаккурда микрохроматиканинг ўрнини асослаш;

Ўзбекистон композиторлари асарларида микрохроматикани татбиқ этишнинг турли ёндашувларини ўрганиш ва аниқлаш, Д. Саидаминова, Д. Янов-Яновский, П. Медюлянова, А. Содикова, А. Ким, Ж. Шукуров, С. Хўжаева ва бошқаларнинг асарларида қўлланган поғонали ва безакнамо микрохроматика кўринишларининг амалий аксини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида микрохроматиканинг назарий, тарихий масалалари, Шарқ ва Ғарб олимлари рисоаларининг таржималари, шарҳларида кўриб чиқилиши, замондош олимлар тадқиқотлари ҳамда аср бошида ижод қилган Ўзбекистон композиторлари асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Шарқ ва Ғарб мусиқий анъаналаридаги микрохроматиканинг лад ва безакнамо тизимларининг Ўзбекистон композиторларининг микрохроматика ёзувидаги турли композиторлик техникаси шаклланишига бўлган таъсири ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тизимли-таҳлилий, қиёсий-тарихий, мусиқий-назарий таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

микрохроматика илмий-назарий жиҳатдан жаҳон мусиқа маданиятидаги қадимий товушқатор ва ладлар, ижрочилик усулларида акс этиши аниқ мисоллар билан асосланган;



Бирламчи манбалар асосида микрохроматика Шарқ ва Ғарб муסיқасидаги лад тизими орқали 17, 22, 24 поғонали товушқаторлари билан далилланган;

микрохроматик воситалар мажмуи янги муסיқий ифодавийликнинг муҳим воситаси сифатида Ўзбекистон композиторлари ижодида авваллари қўлланилмаган миллий бўёқ (безаклар мажмуи, ним парда)лар асосида яратилганлиги исботланган;

XX-XXI асрлар муסיқий амалиётида, жумладан, Ўзбекистон композиторлари ижодида микрохроматиканинг поғонали ва безакнамо турларининг (центли ўлчамда ва глиссандолашган) ўрни, миллий муסיқий-назарий (лад товушқаторларидаги) аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор Шарқ ва Ғарб муסיқа назариясидаги микрохроматик ҳодисаларни англаш жараёни тарихий нуқтаи назардан ёритилган, ҳажман катта материалларни таҳлил қилиш асосида замонавий ўзбек ижрочилик амалиётидаги микрохроматика ҳисоблаб чиқилган;

XX аср охири XXI аср бошларида микрохроматиканинг асосий қўлланилиш тамойиллари Ўзбекистон композиторлари ижодида очиб берилган;

“Замонавий гармония”, “Замонавий полифония”, “XX аср муסיқа шакли”, “Монодиянинг назарий асослари” фанлари бўйича муסיқашунос, композитор, турли чолғу ижрочилиги талабалари таълим олишлари жараёнида кенг амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** жаҳон муסיқашунослигининг синалган усуллари ва назарий ёндашувлари қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган хулоса, таклифлар амалиётга жорий қилиниб, тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан олинган натижаларнинг расмий тасдиқланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, танланган мавзунинг янгилиги туфайли назарий муסיқашуносликнинг жиддий тармоқларида – анъанавий ўзбек муסיқасининг товушқатор асоси ва композиторлик ижодиёти, улардаги лад ҳосил қилинишининг ўзига хослиги сингари бажарилажак келгуси тадқиқотлар учун имкон очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Шарқ ва Ғарб муסיқасида микрохроматиканинг барча турлари, воситаларини таҳлил қилиш усуллари композитор ва муסיқашунослар янги ғояларни ишлаб чиқишлари учун манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қайд этилган хулосалардан Ўзбекистон композиторлари ижодининг тарғиботи йўлида олий ўқув юртлари (бакалаврият, магистратура босқичлари) ўқув қўлланмалари ва маъруза дастурларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Микрохроматиканинг тарихий-назарий масалалари, композиторлик ижодиётида унинг хусусиятлари ва усулларининг татбиқ этилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

микрохроматика воситасининг Шарқ ва Ғарб мусиқаси тарихий босқичлари, шунингдек, назарий-амалий жиҳатдан турлича ёндашувлари ҳамда Ўзбекистон композиторлари асарларида қўлланган ифодавий имкониятлари, поғонали ва безакнамо кўринишларининг таснифоти бўйича “Замонавий гармония, полифония ва мусиқа шакли (Ўзбекистон композиторлик ижодиётида микрохроматика)” номли ўқув қўлланмаси тайёрланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон нашрга рухсатномаси). Натижада талабалар микрохроматиканинг созланиш масаласи билан узвий алоқалари, унинг Шарқ ва Ғарб тафаккуридаги шарҳларда акс эттирилиши хусусида тасаввурларини кенгайтиради;

микрохроматика назарияси ва тарихининг Шарқ ва Ғарб мусиқасидаги турли ракурсдаги ҳолатининг уйғун ҳамда фарқли жиҳатлари, созланиш масаласининг қомусий олимлар рисолаларидаги аҳамияти ҳамда бугунги кунда эҳтиёж юқори бўлган микрохроматика воситасини мусиқий жамият эстетик тараққиёти манфаатларига йўналтириш сингари масалалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Оилавий” телеканалининг “Аёл ва замон” кўрсатуви сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 22 июндаги 39-39-674-сон маълумотномаси). Кўрсатувдаги намоёиш этилган микрохроматиканинг генезиси, тарихий босқичлари, Шарқ ва Ғарб мусиқасининг ўзига хос нуқтаи назарлари, Ўзбекистон композиторлари услубига таъсири ва ижодидаги аҳамияти кенг ёритиб берилиши томошабинларнинг маънавий оламини ва эстетик дидини ўстириш имконини берган;

бугунги кунда бутун дунёда юз бераётган глобал муаммоларнинг мусиқадаги акси ҳамда созланиш масаласининг очиқ ҳолатда қолиши, уларни бир қолипга солишда микрохроматиканинг аҳамияти борасидаги амалий таклифлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” FM 83,3 радиосининг “Нотадаги тақдирлар” эшиттириши сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 29 майдаги 1-107-сон маълумотномаси). Радио эшиттиришдаги илмий-ижодий материаллар тингловчиларнинг бадиий савиясини юксалтиришда, XX-XXI асрларда ижод қилиб келаётган композиторлар ижод маҳсулларининг мазмуни хусусида тасаввурга эга бўлиши ҳамда миллий руҳиятдаги етук, дурдона асарлар вужудга келишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Шарқ ва Ғарб мусиқий-назарий манбаларини тадқиқ этиш, шу билан бирга XX-XXI асрларда ижод қилиб келаётган Ўзбекистон композиторлари, жумладан, Д. Сайдаминова, Д. Янов-Яновский, Ж. Шукуров сингари ижодкорлар асарларидан (микрохроматика нуқтаи назаридан) Ўзбекистон

композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятида фойдаланилган ва баёнлашган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2019 йил 27 майдаги №01-03/104-193 сон маълумотномаси). Натижада замонавий композиторлик ижодиётида микрохроматиканинг асл моҳияти хусусида ўсиб келаётган ёш истеъдодлар тасаввурларини кенгайтиришга асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда илмий муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та мақола чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (2 та Республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 144 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Шарқ микрохроматикасининг мусиқий назарияси”** деб номланган бўлиб, уч бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим **“X-XV асрларда микрохроматика назарияси”** деб аталган. Унда IX-X асрларда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган қомусий олимларнинг товушқатор масалалари бўйича илмий фаразлари ҳамда амалий жиҳатдан чолғуларда ўтказган тажрибалари асосида ёзиб қолдирган қимматли мулоҳазалари ўрганилган.

Ўрта Осиёда монодия созланишининг узлуксиз ривожланиши X-XV асрларга тўғри келган. Ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг буюк мутафаккирлари ғоят гўзал маданий ёдгорликлар яратганлар ва шу орқали юқори даражали мусиқий-назарий фикрларни баён этганлар. Абу Наср Форобий (873-950), Ибн Сино (980-1037), Сафиуддин Урмавий (1294 ваф. эт.), Маҳмуд Шерозий (1236-1315), Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Ушбу рисолаларда муסיқий воқеаларнинг инсон ҳиссиётлари билан ўзаро алоқаси, ҳар бир товушнинг акустик хусусияти, консонанс ва диссонанс интервалларининг ўзаро муносабати, товушқатор ва куйларда тонларнинг ўзаро уйғунлашуви, муסיқанинг ритм асоси, муסיқий чолғулар каби кенг доирадаги муаммолар устида изланишлар олиб борилган. Ўрта асрда яшаб ижод қилган Шарқ олимлари муסיқа илмини математикага тааллуқли тартибнинг бири деб билганлар. Шундан тасдиқланадики, барча ҳодисалар асосини мутаносибликлар, математик қаторлар ва ҳ.к. лар сингари сонларнинг ўзаро муносабати ифодалаш мумкин экан.

Шарқ муסיқа маданияти учун Пифагор ва унинг мактаби томонидан ишлаб чиқилган муסיқий акустика соҳасидаги изланишларнинг асоси маълум даражада аҳамият касб этди, аммо мазкур тажрибалар назарий ҳамда амалий жиҳатдан текширилиб, қайта тафаккур этилган.

Форобийнинг “Китабул муסיқий ал-кабир” (“Муסיқа ҳақида катта китоб”) асарида товушқаторларнинг муҳим назарий муаммоларидан бири ҳисобланган микрохроматика (шартли номланган) масаласини ёритиб берган. У антик юнон муסיқа назариясига таяниб, тетрахорд турларининг ўзига хос бўёқларини ўрганган.

“Тетрахордларнинг тизимлаштирилган тамойили бир нечта қатламлардан иборат: интервалнинг қардошлиги, тури ва турчалари – “Китабул муסיқий ал-кабир” (“Муסיқа ҳақида катта китоб”) даги тадқиқотнинг умум мантиқий талабларига ва асл кўринишига мос келади. Қадимги юнон муаллифларига қиёсланса, (яхлитлигича), ушбу тизимлаштириш батафсил ёритиб берилган. У тетрахордлар ичидаги интервалларнинг турли хил микрохроматик бурилишларини, товушқатор бўёқлари ва ички оҳангдорли безакларини акс эттиради. Буларнинг барчаси ўрта аср муסיқасидаги товушбаландлик уюшмасида мавжуд бўлиб, кейинги даврларда эса араб муסיқасига хос бўлган. Форобий лад назариясининг муқаррар бебаҳолиги ҳам шундадир”.<sup>5</sup>

Араб халқлари муסיқий-назарий манбаларини ўрганувчи тадқиқотчилар уларнинг муסיқасини таърифлаб, нозик микрохроматика куй безакларининг турли усуллари билан боғлаганлар ва бу азалдан Яқин Шарқнинг кўшиқ ва чолғу санъатида ўзига хос хусусият касб этган. Француз муסיқашуноси Ф. Сальвадор Даниель “араб муסיқасидаги ладлар микрохроматика табиатига асосланади”, дея уларни “портаментоли гаммалар” деб атайди. Бундай “гамма”ларнинг қўлланилиши XIX аср муסיқасида ишлатиладиган “безак воситаларидан бири”ни ташкил этади.<sup>6</sup>

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими **“Шарқ товушқаторларининг Европа муסיқашунослигидаги ўрганилиши”** деб номланиб, унда Киндий, Форобий, Ибн Сино, Урмавий, Жомий товушқаторлари ўзаро

<sup>5</sup> Даукеева С. Философия музыки Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. –Алматы, 2002. 74-75 б.

<sup>6</sup> Кузнецов К. Арабская музыка // Очерки по истории и теории музыки. Сб.2. –Л., 1940. 271 б.

солиштирилган. Шунингдек, замондош олимлар томонидан ушбу товушқаторларга берилган изоҳлар ўрганилган.

Шарқ мусиқа маданиятининг чуқур илдизини ташкил этувчи микрохроматика қадимги даврлардан то ҳозирги кунга қадар ягона шаклга эга эмаслиги билан етакчилик қилиб келмоқда. XX-XXI асрларда глобаллашув жараёнларининг изчил давомийлиги сабаб мазкур восита ўзгача кўринишда намоён бўлиб, янги мусиқий ғоялар амалга оширилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳолат юзасидан бир қатор қомусий олимларнинг турли нуқтаи назарларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Аксарият замондош мусиқашуносларнинг изланишлари ўтмишда ижод қилган қомусий олимлар рисолаларида келтирилган қимматли фикр-мулоҳазаларга таянади. Ҳозирги кунга келиб оғзаки анъанада ижро қилиниб келаётган Шарқ мусиқа амалиётида микрохроматиканинг аҳамияти хусусида тадқиқотлар олиб борилмоқда.<sup>7</sup>

Мазкур бўлимда товушқатор масаласини мусиқашунос олимларнинг турли қарашлари ҳамда ёндашувлари асосида акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотчи В.Виноградов ушбу ҳолат юзасидан қуйидаги фикрни билдирган: “Қомусчилар созланиш (шкала)да микроинтервал тузилишини (структура) кузатганлар ҳамда у билан ўзига хос ладларни боғлаганлар. Бироқ, масала созланиш тузилишининг аниқ тавсифига тааллуқли бўлганида бирлари созланишда ўн етти поғона, бошқалари – 18, 24 ва Шарқда янада кўпроқ товушқаторлар мавжудлиги ҳақида турлича қарашларни баён этганлар”.<sup>8</sup> Баъзи мусиқашунослар лад тизими билан боғланган микроинтерваликани умуман инкор қилганлар. Уларнинг таъкидлашича, Шарқ мусиқаси асосида европаликларнинг ўша ўн икки поғонали температураланган яримтонли созланиши пайдо бўлган. Н. Гарбузов эшитиш қобилиятининг ўзига хос чегаралари хусусида шундай деган эди: “улар ўзига хос лад вазифасини бажармайди, балки нозик фарқланиш каби, ўн икки поғонали гамманинг асосий тонларини турли-туман интонацион вариантлари сифатида намоён бўлади”.

Кўрилаётган масала юзасидан Ю. Кон ўз нуқтаи назарини қуйидагича изоҳлайди: товуш чегараларининг кенглиги товушқаторнинг ҳар хил “нозик фарқланишларига” йўл қўяди, яъни бу, чегара сиртидаги баландликнинг барча градациялари (бир ҳолатдан бошқа ҳолатга) ўтказилишидир. “Нозик фарқланишларнинг” қўлланилиши ўзбек халқ мусиқасида ўз ўрнига эга. Нейтрал интерваллар (терция, секста, секунда, септима) ўн икки поғонали товушқатор нозик фарқланишининг натижаси саналган.

Г. Фармернинг таъкидлашича, XII асрдан бошлаб 24 поғонали шкала мавжуд бўлган ва у учта катта ва тўртта кичик секундалардан ташкил топган. Ўз навбатида ушбу интерваллар янада майда интервалларга ажратилган: ҳар


<sup>7</sup> Шундай амалий тажрибалар Omnibus laboratorius гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, YouTube саҳифаларида Chart of Maqom ornaments, Garduni Rost, Muhammasi Ushoq сарлавҳалари билан қайд этилган.

<sup>8</sup> Виноградов В. Классические традиции иранской музыки. –М., 1982. 62 б.

бир катта секундалар тўртта, кичик секундалар учта микроинтервалларга бўлинган. Агар ҳар қандай кичик секунда учтага эмас, тўртта микроинтервалларга ажралса, 28 микроинтервалли гамма ҳосил бўлган ва бу кўплаб муаллифлар, хусусан, Баркешлининг ишларида ҳам учраб турган.<sup>9</sup>

Замонавий эрон шкаласи ҳақида ягона тасаввур йўқ, аммо ўн етти ёки йиғирма тўрт поғонали товушқаторлар чорак тонларга бўлинган деган тахминий фикрлар қўлланган.

Ф. Аммарнинг “Ладовые принципы арабской народной музыки” номли тадқиқотида бир қанча ўтмиш олимларининг товушқатор ва лад ҳақидаги турли нуқтаи назарлари ўрганилган. Жумладан, Киндий товушқаторининг нота белгилари ва центлардаги кўриниши қуйидагича:



Киндий гаммаси температурацияланган эмас, унда сифати бўйича иккита ҳар хил ярим тон мавжуд (кичик 90 центли ва катта 114 центли). Шу билан бирга, у ўн икки тонли замонавий температурацияланган (Европа) гамма билан таққосланиши мумкин. Агар ундаги кичик ва катта ярим тоннинг оралиғини кўрсатувчи коммага эътибор берилмаса ушбу гамма Киндийнинг барча етти ладларини транспозиция қилиш имконини беради.<sup>10</sup>

Мазкур гамманинг пайдо бўлиши хусусида (аниқроғи, Киндий назариясига тааллуқлилигини белгиламаган ҳолда) В. Беляев қуйидагича фикр билдиради: “Алоҳида ладлар ташкилотини диатоник тизимга кўчириш жараёни, яъни барчаси учун ягона тоникага эга (Пифагор қаторидаги ярим тонларнинг турли ўлчамли – катта 114 центли ва кичик 90 центли) бемолли хроматик гамманинг ташкил этилишига олиб келган”.<sup>11</sup>

Барча Шарқ товушқаторларининг ривожланиш жараёнидаги кейинги асосий масала Урмавийнинг ўн етти поғонали гаммаси ҳисобланган. Унинг пойдевори сифатида Киндийнинг ўн икки поғонали гаммаси олинган, бироқ айрим фарқланиш билан, Киндийда Пифагор коммаси катта ярим тонга киритилган бўлса ( $90 + 24 = 114$  ц.), ўн етти поғонали гаммада комма қуйидагича белгиланган: ҳар бир катта тон ( $204$  ц.) иккита кичик ярим тон ва коммага бўлинган ( $90 + 90 + 24 = 204$  ц.). Ўн етти поғонали гаммада мавжуд барча секунда турлари ўн икки поғонали гаммада ҳам кузатилган. Аниқроқ қилиб айтганда, юқорида қайд этилган Киндий гаммасидаги ярим тонлар хилма-хиллиги билан секунда интервалларининг бир қатор вариантларини комбинация йўли орқали ташкил этиш мумкин. Масалан, қуйидаги секунда интерваллари ҳосил қилинган:

1) катта тон ( $204$  центда) – катта ва ярим тондан иборат ( $114\text{ц.} + 90\text{ц.} = 204\text{ц.}$ ),

<sup>9</sup> Виноградов В. Классические традиции иранской музыки. –М., 1982. 63, 86 б.

<sup>10</sup> Аммар Ф. Ладовые принципы арабской народной музыки. –М., 1984. 73 б.

<sup>11</sup> Беляев В. О музыкальном фольклоре и древней письменности, (сб. статей). –М., 1971. 215-217 б.

2) кичик ёки тор тон (180 центда) – иккита кичик ярим тондан иборат (90ц. + 90ц. = 180ц.),

Булардан ташқари, гаммада яна иккита ярим тон тури: катта (114 ц.) ва кичик (90 ц.) ярим тонлар мавжуд.

Ўн етти поғонали гамманинг шаклланишини эътиборда тутган ҳолда В. Беляев шундай ёзган: “ладлар тизимидаги товушқаторларнинг кейинчалик ривожланиши эндиликда касбий халқ характерида турфа хил мусиқа маданиятларидан жой эгаллаб (араб, эрон, озарбайжон, ҳинд, турк), халқ мусиқаси асосида ва унга параллел тарзда ривожланган (оғзаки анъанадаги касбий мусиқа назарда тутилган – дейди Ф. Аммар). Ушбу ҳолат яна Пифагор қатори доирасида амалга оширилган, аммо янада майда куй оҳанглари намоёиш этишга қаратилган. Хроматик гамманинг йирик интервал ўлчамларини янада майдаларига парчалаш жараёни шу билан боғлиқдир”.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими **“Микрохроматиканинг анъанавий мусиқалардаги аҳамияти”** деб номланган. Ушбу бўлимда араб, ҳинд, ўзбек, уйғур халқларининг товушқатор ҳамда безаклар мажмуига оид масалалар ўрганилади. С. Тахалов, О. Матёкубов, М. Тошмухаммедов, Р. Қосимов, Қ. Назиров каби ижрочи ҳамда тадқиқотчиларнинг безаклар мажмуига берган изоҳлари, таърифлари ҳамда тавсифлари кўриб чиқилган.

Маълумки, замонавий араб мусиқаси ладнинг икки турига эга – температурацияланган ва температурацияланмаган.

Ф. Аммар фикрича, йигирма тўрт тонли араб гаммаси замонавий араб лад тизимининг ўзига хос универсал товушқатори сифатида температурацияланмаган, ладлар авваламбор, бу рост ладининг (чорак тонли, яъни уч – чорак тонли интервалларга эга) транспозициясидан вужудга келган.

Температурацияланган ладлар транспозициясининг назарий асоси бўлиб (алоҳида поғоналарнинг альтерацияси сингари) ўн икки тонли температурацияланган хроматик гамма хизмат қилган. Температурацияланмаган ладлар эса транспозициянинг асоси бўлиб, йигирма тўрт тонли гамма ҳисобланган.<sup>12</sup>

Шарқ мамлакатлари орасида Ҳиндистон мусиқа маданияти ўз аҳамиятидан мустасно эмас. Шу қаторда, унинг мусиқий назарий асоси минг йиллик негизга таянган.<sup>13</sup>

В. С. Виноградов «Индийская рага» китобида мазкур масалаларни ёритиб берган. Шимолий ва жанубий Ҳиндистон мумтоз мусиқа тизимининг назарий асослари Бхаратанинг «Натьяшастра» рисолида мавжуд бўлиб, бу қиёсий маънода шарқий лад тизим микрохроматикасининг кўп жиҳатларини англашга имкон беради.

Бхарата шкала (тадрижий равишда ўсиб ёки камайиб борувчи товушлар сираси), ладлар, интерваллар, куй ва ритмик формулалар ва ҳоказолар ҳақидаги таълимотни баён этган. У асосий эътиборни ўсиб борувчи октавали

<sup>12</sup> Аммар Ф. Ладовые принципы арабской народной музыки. –М., 1984. 81 б.

<sup>13</sup> Виноградов В. Индийская рага. –М., 1976. 22 б.

шкаланинг тузилишига қаратган, дейди В. Виноградов. Бхарата томонидан унинг етти поғонаси номланган: 1) Садья, 2) Ришабха, 3) Гандраха, 4) Мадхьяна, 5) Панчама, 6) Дхайрава, 7) Нишада. Ушбу октавали товушқатор **грама** деб номланиб, фақатгина шкалани намоён этган. Унда поғоналар белгиланиб, мутлақ баландликка эга эмас.<sup>14</sup>

Ҳинд шкаласи температураланмаган. Мисол учун, унда I поғонадаги катта терция температураланганга қараганда 14 центга камроқ, VI поғонадаги кичик терция температураланганга нисбатан кўпроқ, II поғонадаги кичик терция эса температурага таққосланса, 6 центгагина пастроқ янграр экан ва ҳ.к. Лекин, I поғонадаги кварта (498 ц.) ва квинта (702 ц.) температураланган шкала меъёрларига мувофиқдир.

Шрути назарияси ҳинд адабиётида жуда ҳам батафсил ишлаб чиқилган. Аммо шрути – бу, биринчи ўринда, оҳанглаштиришнинг реал нозик фарқлари, эшитиш қобилияти фақат ижро этилаётган мусиқа жараёнидагина қабул қилиши мумкин.<sup>15</sup>

Безаклар мажмуи – бутун оҳанглаштиришнинг ажралмас қисми, унинг нозик чегараси, оҳанглаштириш доирасининг турли хил ва муҳим «периферия»сидир. Анъанавий чолғу ижрочилигининг безаклар мажмуи, нафақат безакнинг ташқи тарафи, балки ички оҳанглаштириш мазмунининг ўта муҳим воситасидир.

Миллий мусиқа ижрочилигида қўлланиладиган безакларнинг махсус атамалар билан номланиши кўпчилик созанда ва хонандаларга маълум. Масалан: «қочирим», «тўлқинлатиш», «нолиш», «молиш», «кашиш» ва бошқалар. Уларнинг айримлари товушнинг сифатини белгилайди.<sup>16</sup>

Устозлар «нозик парда» деганда, одатда, ҳар бир мақомдаги алоҳида ўринда турадиган, бошқаларга нисбатан кўтариброқ ёки пасайтириброқ ижро этиладиган жойларни назарда тутадилар. Нозик пардалардан ташқари, бирон-бир босқичнинг икки кўринишда келиши ҳам лад тизимини мураккаблаштирувчи омиллардан бири бўлиб назарга ташланади. Мақом йўлларида товушнинг икки кўриниши одатда кетма-кет келмасдан, алоҳида-алоҳида жойларда учрайди.<sup>17</sup>

Микрохроматика уйғур муқом монодиясининг аниқловчи вазифасидаги восита бўлиб, икки кўринишда акс эттирилади: безакнамо ва поғонали. Ҳар икки ҳолатда ҳам у диатоникани ранг-баранг қилиб бўяш вазифасини бажариб, кўп овозликда (товушлик), аниқроғи, кўп «аваз»ли модал тизимида ўсади ва диатоника чегараларидан чиқади.

Диссертациянинг **“Ғарб мусиқасида микрохроматика назарияси ва тарихи”** деб номланган иккинчи боби икки параграфдан, иккинчи параграф, ўз навбатида, уч фаслдан иборат.

<sup>14</sup> Келтирилган адабиётдан. 22 б.

<sup>15</sup> Кўзга кўринган рага билимдонлари рага парчаларидан ташқари шрутиларни намойиш эта олганлар. Масалан, профессор Динкар Каикини (Локнаулик) до ва ре орасидаги тўртта микроинтервал кетма-кетлигини ҳеч қандай қийинчиликларсиз мукамал равишда эркин ижро этган ва ҳар қандай глиссандо аломатларисиз, ҳар бир шрутини фиксациялаштирилган ҳолда амалда намоён эта олган.

<sup>16</sup> Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. –Т., 2002. 13 б.

<sup>17</sup> Матёкубов О. Мақомот. –Т., 2004. 136-138 б.



Бобнинг “**Микрохроматика атамаси, унинг таксимоти, ифодавий имкониятлари ва ёзув усуллари**” деб номланган биринчи параграфда композиторлик ижодиётининг ютуқлари асосида Ғарб мусиқа назариясида жамланган микрохроматика ҳақидаги ғоялар ва билимларни умумлаштиришга ҳаракат қилинган. Айнан микрохроматика атамасининг таърифи, таснифи, ифодавий имкониятлари, ёзув усуллари берилган.

**Микрохроматика таснифоти.** Замонавий тадқиқотларда микрохроматика ҳар хил маънодаги талқинларга эга. Мазкур ҳодисани таснифлашга уринишлар қизиқиш уйғотади. Ю. Н. Холопов микрохроматикани товушбаландлик нуқтаи назаридан қуйидаги турларга бўлади:

- 1) безакнамо;
- 2) поғонали.

*Безакнамо* микрохроматика диатоник ёки хроматик “таянч” поғоналарнинг нисбатан ўзгартирилган кўриниши бўлиб, тинглаш жараёнидаги ўзига хос бўёқ каби таассурот уйғотади. Микроинтервалларнинг безак мажмуи сифатида ишлатилиши (масалан, жаздаги блюз ноталар) функциялар тизими кўринишида ладнинг тубдан ўзгарган янги сифатини акс эттирмайди (товушбаландлик фарқланиши ва уларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиққан алоҳида тонларнинг ва оҳангдошликларнинг мантикий аҳамияти).

*Поғонали* микроинтервалларнинг қўлланилишида, аксинча, микрохроматикага ўзгача кўринишдаги интервал тизим мақомини беради. *Поғонали* микрохроматика феноменини тан олиш, уни (ҳеч бўлмаганда гносеологик тоифаси сифатида) бошқа, кенг ишлатиладиган диатоник ва хроматик турлари билан бир қаторда қўйиш имконини беради.

Микроинтервалларнинг поғонали талқини айнан диатоникадан микрохроматик поғона томон сакраш амалга оширилишига эътибор қаратилса (масалан, сакраш соф квартадан, чорак тон оралиғидаги фарқланиши билан камайтирилган квартага), “товуш илмининг илгарилаб боришидаги узилиш”ни (Ю.Н.Холопов) тақозо этади.

XX аср Ғарбий Европа мусиқасида микрохроматиканинг тикланишига Европанинг сўнгги асрлар давомида касбий мусиқа анъаналарини янги босқичга олиб чиқишга уриниши ҳамда сўзсиз Шарқ мусиқасининг таъсири сабаб бўлди. Шунингдек, XX асрда мусиқий тил янги тизимининг шаклланиши мусиқа микро дунёсига катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, композиторлар бир товушнинг ички хусусиятларини англаш ва уни кенгайтиришга интилишлари микрохроматика, обертонлар тизимиغا мурожаат этишига олиб келди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида “**Турли даврларда микрохроматиканинг ўзига хос тарихий-назарий жиҳатлари**” масаласи ўрганилган. Ушбу параграф уч фаслни ўз ичига қамраб олган:

**“Антик даврдан то Уйғониш даврларини қамровчи микрохроматика”** деб номланувчи иккинчи параграфнинг биринчи фасли қадимги Юнон мусиқа назариясида мавжуд бўлган учта тетрахорднинг тури, хусусан, диатон, хрома ва энармонларнинг тузилиши, ифодавий

имкониятларига бағишланган. Пифагор, Аристоксен, Боэций, Дидима, Птоломей, Псевдо-Клеонид, Смирнский, Гаудентий каби буюк мутафаккирларнинг илмий ёндашувлари ўрганилган.


Қадимги Юнонистон мусиқа маданиятида микрохроматикага бўлган эътибор назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган. Шу жумладан юнонларда учта лад турлари – тетрахордлар мавжуд бўлган, улар: диатоника (1 тон – 1 тон  $-1/2$  тонлар: a-g-f-e), хроматика (1  $1/2$  тон- 1 тон  $-1/2$  тон: a-fis-f-e) ва энгармоника (2 тон-  $1/4$  тон-  $1/4$  тон: a-f-e<sup>+</sup>-e).

**“Уйғониш даврида микрохроматика”** деб номланган иккинчи фаслда XV-XVI асрларда интервалика ҳақидаги илмга эътибор кучайганлиги, хусусан, консонанс терцияларга оид қадимги юнон “гармоник”ларининг ғоялари қайта тикланганлиги ҳақида баён қилинган. XVI асрнинг итальян назариётчилари Л.Фольяни ва Дж.Царлино Дидима (мил.ав. I аср- милодий I а.) ва Птоломей (тахминан милодий II а.) тадқиқотларига асосланган ҳолда таъкидлашадик, соф катта терция 4/5 консонанс интервал сифатида тез-тез такрорланиш нисбати бўйича етакчилик қилган.

Европа мусиқаси Уйғониш даврида микрохроматикага бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши бир қатор сабаблар билан шартланган. Улардан бири – лад акустик тафаккурининг тадрижиёти бўлиб, у мусиқий созланиш тизимининг ривожланишини талаб этган. Бошқа сабаби эса қадимги юнон хроматик ва энгармоник қардошликларни замонавий амалиёт шароитида тиклаш истаги билан боғлиқ бўлган. Ушбу йўналишда итальян мусиқачиси Никола Вичентино ўз фаолиятини олиб борган.

Муаллиф Н. Вичентино юнон илмидаги диатоник, хроматик, энгармоник лад ёндашишларига янгилик киритади. У «Lantica musica ridotta alla moderna pratticca» («Замонавий амалиётда антик мусиқанинг ўзлаштирилганлиги») деб номланувчи рисоласида анъанавий черков ладлари тизимини юнон ладлар кўринишлари билан бирлаштиради ва саккизта диатоник ладлардан ташқари яна саккизта хроматик ва энгармоник ладларни қўшиб кенгайтиради.

Ушбу энгармоник ладларнинг учта мисолига эътибор қаратамиз:



